Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
27 ОКТЯБРЬ 1969 й.
ДУШАНБА
№ 252 (1015).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет социалистик давлатининг бузилмас негизи ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи, жамиятнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги мустаҳкамлансин ва яшнайверсин!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).



Тошкент офсет фабрикасида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейига бағишланган рангли плакатлар кўплаб нусхада нашр этилмоқда.

СУРАТДА: фабрика босма цехининг илғор ишчилари М. Рақсибоев, Т. Расулов ва А. Макеев ўртоқлар тайёр плакатларнинг сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Бизнинг интервью

ЎЗБЕКИСТОН ТАРОПАЛАРИ

Дўстлик ва қардошлик ҳаётимизга чуқур сингиб кетган. Бу икки сўз масофа билмайдиган қудратга эга. У чегаралар, тоғлар, водийлар оша жаранглаб ўтаберади.

Шу йилнинг ёзида Монголия Халқ Республикасининг фан, маданият, санъат, адабиёт аҳллари серқуёш Ўзбекистонга марҳамат қилишганида шу икки сўз баралла янгради. Гўзал диёримизда бир неча кун давом этган Монголия кунларида қардош халқнинг эришган муваффақиятлари билан яқиндан танишдик. Хушовоз қўшиқчилари, дилбар раққосаларнинг чиқишларини мириқиб томоша қилган эдик.

Эндиликда ана шундай файзли кунлар қардош Монголия ўлкасида бўлади.

Бугун

эрта тонгда Ўзбекистон маданият ва санъат вакиллари Монголия Халқ Республикасига жўнаб кетишди. Делегация составида республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. Мусахонов (делегация бошлиғи), республика Маданият министри В. И. Зоҳидов, қишлоқ хўжалик илғорлари, саноат новаторлари, олимлар, маданият арбоблари, санъаткорлар бор.

Делегация аъзоси, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш жамияти президиумининг раиси **Х. С. Шукурова** мухбиримизга Монголияда ўтказиладиган Ўзбекистон кунлари ҳақида гапириб берди.

— Монголияда Ўзбекистон кунлари шубҳасиз мазмунли ва жозибали ўтади деган умиддамиз. Дўстларимиз бизнинг ютуқларимиз билан яқиндан танишишга қизиқадилар. Шу муносабат билан Улан-Баторга юборилган «Ленин йўлидан», «Ленин декретлари амалда» деган фото-кўргазмалар асрлар бўйи қақраб ётган Мирзачўлни гуллаган водийга айлантириш, Давлат университетининг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилади.

Тошкентда тайёрланган радио ва телевизион эшиттиришларда ҳам халқимизнинг жўшқин ҳаёти тараннум этилади.

Ўзбекистон рассомлари асарларини кўргазмаси ҳам тайёрлаб жўнатилди. Ўрол Тансиқбоев, Абдулаевлар, Р. Ахмедов, Иногомовларнинг асарлари томошабинларга манзур бўлади.

Дўстлик байрамига шоир Миртемир, талантли ёзувчи Раҳмат Файзий ҳам таклиф қилинган. Улар ўзбек ёзувчиларининг ижоди ҳақида фикр юритадилар.

Булардан ташқари бўладиган учрашувларда, концертларда А. Навоий номли ўзбек Давлат академик катта театри, «Баҳор» рақс ансамбли, ўзбек Давлат филармонияси, радио ва телевидение санъаткорлари қатнашадилар. Делегация составида СССР халқ артисти Саодат Қобулова, Ўзбекистон ССР халқ артисти Бернора Қориева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Эргаш Йўлдошев, Муҳаббат Шамаева, Зоҳид Ҳақназаров, Раъно Низомова, Тамара Юнусова, Равшан Шарипова, Қаҳрамон Дадаев, Дилора Каримова, сингари санъаткорларимиз ҳам бор.

Тошкент хроникал-ҳужжатли фильмлар студиясининг оператори Турди Нодиров, Эркин Рашидовлар Монголиядаги барча қувончли дақиқаларни суратга оладилар.

Монголияда бу студия тайёрлаган «Ўзбекистонда Монголия кунлари» деган ҳужжатли янги фильм кўрсатилади. У ерда ўтказиладиган ўзбек фильмлари фестивалида «13 қалдирғоч», «Улар Тошкентда ўқишади», «Дўстлик фестивали», «Йўлда ҳам, уйда ҳам» ҳужжатли фильмлари намойиш қилинади. Булардан ташқари «Инқилоб суворийлари», «Тошкент — нон шаҳри», «Генерал Раҳимов», «Қизил қум», «Нигит ва қиз», «Улуғбек юлдузи» каби бадиий фильмлар ҳам экранлардан ўрин олади.

Биз Ўзбекистон вакиллари монгол меҳнаткашлари билан бўладиган ҳаяжонли учрашувда халқлар дўстлигини мадҳ этамиз. Шодиёна кунлар Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 52 йиллик байрами билан ҳамоханг бўлиб кетади.





Коммунистик меҳнат зарбдори Лазокатхон Ҳамдамова Тошкент керамика заводининг моҳир безакчи рассоми. У 12 йилдан буён корхона ишлаб чиқарётган бадиий маҳсулотларга нақш чизади.

СУРАТДА: Л. Ҳамдамова, лаганга нақш чизмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

● Тошкент Давлат университетида

ТЎЙГА ТЎЁНАЛАР

Ленин номли билим масканининг коллективи келгуси йили қўш тўй — доҳий туғилган кунининг 100 йиллиги ва университетнинг 50 йиллигини байрам қиладилар. Улкан тўйларга муносиб тўёналар тайёрлаш ҳамманинг фикру-зикрида.

Бу борада олимларнинг ғайрати айниқса ибратли. Билим даргоҳининг тенгдоши бўлган экспериментал физика кафедраси олимлари олий мактаблар учун ўзбек тилида оригинал ва таржима дарсликлар яратишда ғайрат қилаётирлар.

Олимлардан С. Э. Фриш ва А. В. Тимофеевлар «Умумий физика курси»нинг I ва II томларини, В. И. Иверонова «Физикадан практикум» ва Г. Шполский «Атом физикаси» дарсликларини нашр эттирдилар.

Шунингдек «Физика системаси», «Физикага доир асбоблар ясаш», «Физикадан русча-ўзбекча терминология луғати», «Атмосфера физикасидан русча-ўзбекча терминологик луғат», каби қўлланмалар студентларга тақдим қилинади. Бошқа кафедраларда ҳам совғалар тайёрлаш ишлари қизғин.

Суратдаги бу лобар қиз «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг ёш чевари, коммунистик меҳнат зарбдори Нафиса Ғуломова. У 1 октябрдаёқ ўзининг беш йиллик топшириқларини муддатидан анча илгари адо этиб, ҳозир 1971 йилнинг 1-квартали ҳисобига меҳнат қилаётир.

● *Қишлоқ—шаҳарга*

7600 ТОННА САБЗАВОТ

Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг сабзавоткорлари шу кунгача шаҳарликларга 7621 тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб бердилар. Ҳозир колхозда сабзавот маҳсулотлари йиғиш давом этмоқда.

Сабзавоткорлар мавсум давомида шаҳарликларга яна 600 тонна маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олдилар.



● *Галаба рапортлари*

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

Шаҳримизда илғор корхоналардан ҳисобланган 4-ун комбинати маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан илгари оширибадо этди.

Бугун

КОМБИНАТНИНГ ЙИЛ БОШИДАН БУЁН РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛГАН МАҲСУЛОТИ 30 МИЛЛИОН СЎМГА ЕТДИ.

Уз имкониятларини ҳисоблаб чиққан тегирмончилар ой охиригача топшириққа қўшимча 3200 тонна аралаш озуқа, 3300 тонна гуруч ишлаб чиқариш ва ноябрь ойи ҳисобига 2 миллион 420 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз бердилар.

БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ДИПЛОМ

1-ун комбинатининг коллективи Улуғ Октябрнинг 52 йиллиги, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритяпти.

ТЕГИРМОНЧИЛАР ЎН ОЙЛИК ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ — 19 ОКТЯБРДА ШАРАФ БИЛАН БАЖАРДИЛАР. ЙИЛ БОШИДАН БУЁН 13 МИЛЛИОН 653 МИНГ СЎМЛИК ЕКИ 89080 ТОННА СОРТЛИ УН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ ВА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНДИ.

Ички имкониятларни ҳисоблаб чиққан коллектив октябрь ойи охиригача планга қўшимча 4700 тонна маҳсулот беришга сўз берди.

Ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажаришда Леонид Кизенко, Икром Шокаримов, Николай Фадеев бошлиқ етакчи бригадалар пешқадамлик қилишмоқда.

Бугун

корхонага келган хушхабар коллективнинг байрамолди қувончига сабаб бўлди. Унда 1968 йилда юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришгани учун корхона коллективи Ўзбекистон ССР халқ хўжалик ютуқлари выставкасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланганн айтилган эди.

А. ХОЖИХОНОВ,
1-ун комбинатининг смена мастери.

Қозонхоналар қишга тайёрми?

Шаҳримиздаги уй-жойлар, хонадонлар, муассаса, олий ўқув юртлари, корхоналарни қиш мавсуми давомида иситишга тайёргарлик ишлари қандай олиб борилаётир?

Уй-жойлар бошқармаси бирлашган қозонхона директорининг бош инженери Б. А. Синельщиков бу ҳақда шундай деди:

— Биз қишга тайёргарлик ишларини апрель ойида бошлаб юборган эдик. Дастлаб қиш давомида ишдан чиққан барча қозонхоналарнинг капитал ремонти плани ишлаб чиқилди ва тезликда амалга оширишга киришилди. Шаҳардаги уй-жойларнинг қозонхоналари қайта ремонт қилинди, кўпгина қозонлар янгиланди. Иситиш системалари, хонадонлардаги батареялар ўрнига янгилари ўрнатилди.

Бирлашган қозонхоналар директциясига тегишли 92 та қозонхона бу йилги қишга тахт қилиб қўйилди.

Қозонхоналар учун зарур бўлган газ, сув, электр қуввати учун шартномалар тузилди. Ҳамма қозонхоналар лозим бўлган штатлар билан таъминланди. Шу кунларда 50 дан ортиқ қозонхона ишлаб турибди. Хонадонларда иситиш мавсуми бошланиши билан қолган қозонхоналар ҳам ишга тушади.

Октябрь (бошлиғи К. В. Ким), Ленин (бошлиғи А. Рухленко), Фрунзе (бошлиғи В. Д. Тутов) районларидаги қозонхоналардан фойдаланиш участкалари қиш мавсумига тайёр планишда, айниқса, фаолликк кўрсатди. Саноат саройидаги қозонхона (бошлиғи В. Т. Штеповский) ҳам графикда кўрсатилганидан анча барвақт фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Ленин, Киров, Куйбишев, Фрунзе районларидаги уй-жой бошқармалари хонадонларни ўз вақтида қиш мавсумига ҳозирлаб қўядилар.

Бизнинг бирлашган қозонхонамиз саккизта фойдаланиш участкасига бўлинган. Қозонхоналардан фойдаланиш участкалари шаҳардаги барча районлардаги уй-жойларни, муассаса ва олий ўқув юртларини, мактаб ва болалар боғчаларини иссиқлик билан таъминлайди.

Афсуски, Далазор кўчасига жойлашган 29-уйдаги қозонхона ҳали ҳам қишга тахт қилингани йўқ. Бу ерда ремонт ишларини олиб борётган «Ташгорремонтстрой» трестининг мутахассислаштирилган монтаж бошқармаси (бошлиғи А. Мартиросян)нинг бугунги ишлари талабга жавоб бермайди. Ҳамма асбоб анжомлар ҳозир бўлишига қарамай, қозонхонадаги ремонт ишлари суст боряпти. Иш шундай давом этса, қишгача қозонхона ишга тушай қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун шошилинч чоралар кўрилиши керак.

Сергели иситиш қозонхонаси қишга шай. Унинг барча қозонлари, иситиш системалари, хонадонлардаги батареялар қайта ремонт қилиниб бўлинди. Янги иситиш системаларини синаш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди. Биз сергелиликлар хонадонига нормадаги 3-4 марта кўп иссиқлик беришга мажбур бўлаётирмиз. Бунинг сабаби бор. Хонадонлар иссиқлик батареяларидаги сувларни хўжалик учун ишлатадилар, кир ювадилар. Хонадонларда эса иссиқлик етишмайди.

Бундай ҳунук воқеалар ўтган мавсумда фақат Сергели хонадонларида эмас, балки Тошкентдаги бошқа жойларда ҳам учраб турди.

Биз бирлашган қозонхоналар иссиқлигидан фойдаланаётган барча хонадонларни батареялардаги иссиқ сувларни хўжалик ишларига ишлатмасликларини, уй-жойлардаги иссиқлик системалари ишдан чиққан тақдирда ёки фавқулодда ҳодиса юз берганда тегишли ташкилотларга шошилинч равишда хабар беришларини сўрардик.

Бу эса қиш давомида барча хонадонларнинг иссиқ бўлишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Хонадонларни қиш кунлари иситиш ишида жамоатчилик ҳам фаол иштирок этиши лозим.

● Қурилиш майдонларида

Ўрта Осиё филиали

— Қурилишни ўтган йили бошлаган эдик, шу кунларда сурʼатни янада тезлаштиряпмиз. Ҳозиргача муҳташам бинонинг 5-қавати тикланяпти,— дейди қурилиш прораби Степаненко.

Бино «Халқлар дўстлиги» проспектида қад кўтармоқда. Лойиҳаси «Ташгипиэп» лойиҳа институтининг бош инженери Орловский бошчилигида яратилган бинони қуришда 153-қурилиш трестининг 34-бошқармаси коллективи меҳнат қилмоқда. Бутуниттифоқ сув геологияси илмий-текшириш институтининг Ўрта Осиё филиали учун қурилаётган бу бино 1971 йилда фойдаланишга топширилиши керак.

Бу ерда ифлос ва ер ости сувларини тозалаш, тозаланган сувларни тарқатиш, запас қилиб сақлаш ва сув геологиясига оид илмий ишлар олиб борилади.

Теннис бўйича мамлакат биринчилиги

ШАХСИЙ БИРИНЧИЛИК УЧУН

Тошкент теннис кортларида теннис бўйича Совет Иттифоқи биринчилиги мусобақаларини давом этмоқда. 64 эркак ва 48 аёл мамлакат шахсий биринчилиги учрашувларини бошлади.

Катта теннис симфониясининг дастлабки аккордлари янгради.

Россия Федерацияси вакили Павлов ва Белоруссиянинг кучли ўйинчиси Десятниченко учрашуви кутилмаган натижа билан тугади. Дастлабки икки партияни бой берган Павлов қаторасига уч сетни юксак маҳорат билан ўтказиб ғалаба тарозисини ўз фойдасига оғдирди. Ҳисоб —3:6, 1:6, 6:0, 7:5, 6:1.

Европа чемпиони Лихачев ўз рақиби тошкентлик Гафитуллинни бирмунча менсимай ўйинни бошлади. Натижада биринчи партия 5:7 ҳисоби билан бой берилди. Муваффақиятдан илҳомланган ўзбек спортчиси иккинчи сетни ҳам кўтаринкилик билан бошлади. Иккинчи партияда ҳисоб 4:2 ва геймлар 40:15 унинг фойдасига эди. Аммо маҳорат ва тажриба ўз натижасини кўрсатди. Лихачев 5:7, 6:4, 6:3, 6:0 ҳисоби билан ғалаба қозонди.

Ўзбек аёллари ҳам мусобақаларни муваффақиятсиз бошладилар. Прокофьева украиналик Гарановага —3:6, 2:6, Лимакина эстониялик Зинкевичга —6:3, 3:6, 3:6 ютқазишди. Энди улар учун биринчиликнинг олий лигасига йўл берк.

Ўзбек теннисчилари стартни жуда муваффақиятсиз бошладилар. Шунинг учун бўлса керак, мамлакатнинг тўққизинчи ракеткаси Юшка устидан муҳим ва қийин ғалабага эришган тошкентлик спорт мастери Владимир Капланнинг муваффақияти ҳам шаҳарларимизнинг қизғин олқишига сазовор бўлди.



153-қурилиш трестининг 1-қурилиш бошқармасига қарашли бунёдкорлар шаҳарнинг «Марказ-5» микрорайонида ҳар бири 80 квартирали олтита турар-жой биносини жадал суръатлар билан қурмоқдалар.

СУРАТДА: шу ердаги 80 квартирали уй қуришда намунали Меҳнат қилаётган бир группа зарбдор қурувчилар (чапдан ўнгга) Виктор Лотренко, Климент Югай ва Неъмат Ҳожимуродов ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотолари.

ФАН ВА ТЕХНИКАМИЗ НАМОЙИШИ

Жазоирда фан ва техника тараққиётига бағишланган олтинчи халқаро ярмарка бўлиб ўтди. Ўн беш кун давом этган бу кўрикда «Ленин ва СССР нинг иттифоқдош республикаларида фаннинг ривожланиши» деб аталган бўлимда «Ўзбекистонда фаннинг тараққиёти» деган тема бўйича Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси қатнашди.

Ярмаркада қўйилган экспонатлар орасида турли хил дорилар, ер ости сувларининг йўналиши ва тезлигини бир вақтда кўрсата оладиган, пўлат составидаги вольфрамнинг миқдорини аниқлайдиган янги аппаратлар, пахтанинг янги навлари, кибернетика ва ҳисоблаш марказининг иш процессларини кўрсатувчи аппарат ва суратлар намойиш қилинди.

Булардан ташқари ярмаркада Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи, сейсмология институти экспонатлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашр қилган китоб ва журналлар кўрсатилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

КАТТА БАЙРАМ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИНАДИ

ГАВАНА. Куба меҳнаткашлари касаба союз марказининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрамини ўтказучи комиссияси тузиб чиққан жуда кенг программада маданият ҳафтаси ўтказиш, «Ленин ва меҳнаткашлар» деган мавзуда адабий конкурс ташкил этиш, лекциялар ўқиш, корхоналар ва қишлоқ хўжалигида кўргазмалар ва мусобақалар уюштириш сингари тадбирлар белгилаб қўйилди.

Куба меҳнаткашларининг касаба союз маркази Фахрий ёрлиқ ҳам таъсис этди. Бу Фахрий ёрлиқ билан В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига ўтказилган мусобақа голиблари мукофотланади. Энг яхши бригадаларга мана шу улуг юбилей муносабати билан таъсис этилган вимпеллар берилади.

(ТАСС).



Америка Қўшма Штатларида Вьетнамдаги босқинчилик урушига қарши намойишлар давом этмоқда.


СУРАТДА: Нью-Йорк ёшлари Уолл-стритда ўтказилган оммавий митингда.

Г. Боровик фотоси. (АПН).

Ўзбекистон 45 ёшда

45 йил муқаддам худди шу куни Ўзбекистон ва Туркманистон Совет Социалистик Республикалари ташкил этилди. Шу муносабат билан Тошкентда кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтди. Бу ерга кекса-ёш — турли авлодларга мансуб кишилар келишган эди. Нотиқларнинг нутқини барчага баробар етказиш учун бу вақтда на микрофон, на бирор бошқа аппарат бор эди. Одамлар дарахтларга, тепаликларга чиқиб, бу ерда





айтилаётган сўзларни аниқ эшитишга ҳаракат қилишарди. Шундай қилиб, социалистик ишчи-деҳқон республикаси — Ўзбекистон барпо этилди.

Азоб-уқубатларга тўла бўлган ўтмиш орқада қолди.

Ўзбек меҳнаткашлари қардош халқлар қатори гуллаб-яшнаш йўлига кирди.

Ўтмишда етарли мактаб, даволаниш муассасаларига эга бўлмаган ўзбек халқига маорифи, маданият кулиб боқди. Болалар ёруғ мактабларда билим ола бошлашди. Бундай бахт отаюртимизнинг шонли меҳнатлари туфайли бунёд этилди.

Қишлоқларимизга биринкетин техника кириб кела бошлади. Ўтмишда омочдан бўлак бирор улкан қуролга эга бўлмаган деҳқонлар неча юзлаб азамат тракторларга, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган машиналарга эга бўлишди. Ўтмишдаги кичик-кичик устахоналардан нишон қолмади. Улар ўрнида улкан завод ва фабрикалар бунёд этилди. Ҳозир бизда шундай улкан муассасалар борки, бу ердаги ишчилар сони Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган ўзбек ишчилари сонидан ортиқдир.

Тошкент ҳозирги кунда Ўрта Осиёда энг улкан фан, маданият, саноат шаҳри бўлиб қолди. Унинг довруғи жаҳоннинг барча чекқаларига бориб етди. Ҳозирда Тошкент саноати биринчи жаҳон урушигача бўлган даврдагига нисбатан юз марта ортиқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ҳатто, 1940 йилдагига нисбатан ҳам бу ерда ишлаб чиқарилган бир неча баробар ортиқ бўлди. Шаҳарда 200 дан ортиқ фабрика, завод мавжуд бўлиб, республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг учдан икки қисмидан ортиқроғи ана шу корхоналарда яратилмоқда. Тракторлар, пахта териш комбайнлари, селлкалар, тўқув машиналари, кабель буюмлари, экскаваторлар, турли-туман газламалар, кийим-кечаклар — бари Тошкент ишчилари қўли билан бунёд этилмоқда. Жаҳондаги 70 мамлакат Тошкент фабрика ва заводлари ишлаб чиқарган маҳсулотлардан олмоқда.

Тошкентдаги 200 дан ортиқ мактаб, ўнлаб олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари, университет, фанлар академияси, шаҳардан унча узоқда бўлмаган атом реактори халқ хизматида. Фан ва техникада қўлга киритилаётган барча ютуқлар ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Бу республикамиз меҳнаткашларининг турмуш шароитини, маданиятини юксалтиришда катта роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон ўзининг табиий бойликлари, боғу-роғлари, айниқса, пахтаси билан фахрланади. Ўтган йили республика мамлакатга 4 миллион тоннадан ортиқ «оқ олтин» берди. Бу йил ҳам ана шундай юксак ғалаба учун ғайрат қилинмоқда. Ҳозирда Ўзбекистонда олтин, мис, нефть, газ ишлаб чиқариш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзбек ғази қувурлар орқали Уралга ҳамда мамлакатнинг марказий районларига етиб борди.

Ўтган 45 йил мобайнида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси қўлга киритган ютуқлар беқиёсдир. Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда мамлакатимиздаги қардош халқларнинг роли бениҳоя катта бўлди. Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси буюк ғалабаларнинг омили бўлди.

Республикамизнинг бугунги қўлга киритган барча ютуқларида Москва, Ленинград, Иванов, Куйбишев, Минск, Киев каби шаҳар меҳнаткашларининг ҳам ҳиссаси бўлди.

Ўзбек халқи қўлга киритган барча ютуқлари учун Ленин партиясидан, мамлакатимиздаги барча қардош халқлардан чексиз миннатдор.

Жаҳон ойнаси

САН-ПАУЛУДА СОВЕТ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

САН—ПАУЛУ, (ТАСС). Бу ердаги Ибирапуэра паркининг халқаро павильони ёнида совет савдо-саноат виставкасини очишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Маросимда Сан—Паулу штатининг губернатори Абреу Содре, Бразилия савдо-саноат доиралари, жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари, дипломатлар, журналистлар ҳозир бўлишди.

2.000 квадрат метр майдонда 2.500 га яқин экспонат жойлаштирилган. 260 совет корхонасининг маҳсулоти бўлган бу экспонатларни Совет Иттифоқидаги 17 та ташқи савдо ташкилоти тақдим этган. Улар орасида замонавий станоклар ва ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар, турли-туман аппаратлар бор.

Совет виставкаси жуда ёқимли таассурот қолдиради, деди Сан-Паулу штатининг губернатори Абреу Содре виставкани кўздан кечирганидан кейин ТАСС мухбирига. Виставка мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришнинг катта имкониятлари борлигидан далолат беради.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ.

Суратда: Брнодаги тарихий домниканчеркови. Бу черков халқ миллий архитектурасининг ноёб намуналаридан бири ҳисобланади.

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

ҚОҲИРА, (ТАСС). МЕН агентлиги мухбири Байрутдан хабар беради: Ливаннинг ҳарбий вакили кейинги кунларда Ливаннинг жанубий районларида Ливан армияси бўлинмалари билан Фаластин партизанлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлганлигини, шунинг натижасида ҳар иккала томондан бир неча киши ўлганлиги ва жароҳатланганлигини айтди.

Ҳарбий вакилнинг гапидан маълум бўлишича, тўқнашувлар Ливан маъмурларининг Ливан территориясидан Исроилга қарши партизанлик ҳаракати қилинишига йўл қўймасликка уринганликлари натижасида келиб чиққан.

НИКОЗИЯ, (ТАСС). Ливандаги сўнгги воқеалар араблар дунёсида зўр ҳавотирлик туғдирди.

Маълумки, шу йил апрель ойида Байрутда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида Фаластин партизанларини қўллаб-қувватловчи кучли намойишлар бўлган, натижада Ливан ҳукумати истеъфога чиқишга мажбур бўлган эди, ҳукумат танглиги эса шу вақтгача ҳам давом этиб келмоқда.

Қоҳира радиосининг хабар беришича, Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир Ливан президенти Шарль Хелуга мактуб йўллаб, Ливан армияси билан партизанлар ўртасида бўлаётган тўқнашувларни бас қилишга чақирди. Жазоир халқ демократик республикаси революцион кенгашининг раиси Хуари Бумиддин Ливанда партизанларга қарши қилинаётган ҳаракатларни қоралаб гапирди.

Ироқ революцион қўмондонлигининг кенгаши эълон қилган баёнотда «Араб ватанимизнинг ҳар бир жойида» партизанлар қилаётган ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш лозимлигини уқтириб ўтди.

Сурия ўзининг Ливан билан бўлган чегараларини ёпиб қўйди ва Ливан армиясининг партизанларга қарши қилаётган ҳаракатларини тўхтатишни талаб этди.

ПАРИЖ, (ТАСС). Франс—пресс агентлигининг мухбири расмий манбалардан олинган маълумотларга асосланиб Байрутдан берган хабарда айтилишича, Ливан мамлакатдаги вазиятни муҳокама қилмоқ учун Араб мамлакатлари уюшмаси кенгашининг махсус мажлисини чақиришни талаб этди.

ЕТИЛГАН ЗАРУРАТ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). 22 мамлакат делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош ассамблеясининг «БМТ байроғи остида Жанубий Кореяни оккупация қилиб турган Америка ва бошқа чет эл қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида»ги резолюцияси лойиҳасини БМТ биринчи комитетининг муҳокамасига киритди.

Бу ҳужжатда айтиладики, Кореяда сулҳ тузилганидан бери 16 йил ўтган бўлишига қарамай, ҳозиргача Жанубий Кореяда АҚШ қўшинлари ҳеч қандай асоссиз равишда турибди. Айни маҳалда, Корея Халқ Демократик Республикасида ҳеч бир чет эл қуроли кўчлари йўқ.

Резолюция авторлари «БМТ қўшинлари» байроғи остида Жанубий Кореяда турган бутун Америка ҳарбий ходимлари ва бошқа ҳарбий ходимлар резолюция қабул қилинган пайтдан бошлаб, олти ой мобайнида батамом олиб чиқиб кетилишини таклиф қиладилар.

Резолюция лойиҳасини тақдим қилган мамлакатлар орасида СССР, Болгария, Венгрия, Чехословакия, Польша, Руминия, Ироқ, Конго, Мали, Судан, Камбоджа ва бошқа мамлакатлар бор.



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Гюстров шаҳридаги қанд заводи республика озиқ-овқат саноатининг замонавий корхоналаридан биридир.

Суратда: заводнинг аппарат цехи.

ЮЗ ЙИЛЛИККА БАҒИШЛАБ

ҚОБУЛ, (ТАСС). Совет-Афғон маданий алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда. Совет дўстлик ва яхши қўшничилик сиёсати бу алоқаларни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бу сиёсатни В. И. Ленин бошлаб берган. Ленининг номи афғон халқига яқин ва азиз, унинг сиймоси Афғонистоннинг санъат ва адабиёт арбоблари эътиборини ҳамиша тортиб келмоқда. Пойтахтнинг китоб магазинларида афғон ёзувчилари Карим Мисак ва Азим Зарёбнинг пролетар йўлбошчиси туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган ҳикоялари сотила бошлади. Бу ҳикояларни пойтахт аҳолиси кўп харид қилмоқда.

• Социализм мамлакатларида

БОЛГАРИЯ

Толбухин округидаги В. И. Ленин номли катта кооператив деҳқончилик хўжалигининг меҳнаткашлари жаҳон пролетариати доҳийси туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Кооператорлар шонли сана шарафига мусобақалашиб, ноқулай иқлим шароитларига қарамай, ҳосилни тез ўриб-йиғиб олдилар. Суғориш ва ўғитлардан моҳирона фойдаланиш туфайли улар гектар бошига ўрта ҳисобда 41.5 центнердан бугдой, 60 центнердан маккажўхори, 29.3 центнердан кунгабоқар ва 20.7 центнердан ловия олиб, ўз хўжаликларини округда биринчи ўринга чиқардилар.

Кооператорлар мусобақани давом эттириб, кузги экинларни қисқа муддатларда экиб бўлдилар.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Шимолий Чехия ҳавзасининг шахтёрлари шу йилнинг тўртинчи кварталида 13 миллион тонна, яъни планда кўзда тутилганига қараганда чорак миллион тонна кўп кўмир қазиб чиқарадилар.

ВЕНГРИЯ

Бу йил Венгрия деҳқонлари уч миллион тоннадан зиёд ғалла ўриб-йиғиб олдилар. Бу мамлакат учун рекорд ҳосил ҳисобланади. У ўтган йили эришилган натижалардан анча ошади. Бу йил асосий экинбугдой ҳосилдорлиги гектарига салкам 28 центнердан бўлди. Бунчалик ҳосил мамлакатнинг ғаллага бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун етарли бўлибгина қолмай, йиғилган донинг бир қисмини четга сотиш имкониятини ҳам беради.

(ТАСС).

МАРКАЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ғачиқа бошлади. Рассом В. Завьялов тасвирлаган миниатюрада ўша йиллардаги Ўзбекистон тасвири акс эттирилган. Еш ўзбек йигити биринчи тракторни ҳайдаб кетяпти. Унинг кетидан эшак арава минган оқчопон чол бораяпти. Буларнинг барчаси завод ва фабрика трубалари фонида акс эттирилган.

1949 йили СССР алоқа министрлиги Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллигига бағишлаб, олтита маркадан иборат серия нашр қилди. Улардан тўрттасида республика пойтахти тасвирланган. Тошкент номи билан боғлиқ бўлган бешинчи марка эса 1958 йили чиқарилди. Унда шаҳарнинг асосий майдонидаги В. И. Ленин ҳайкали (ҳайкалтарош М. Г. Манизер) тасвир этилган.

Турли йилларда чиқарилган маркалардан Ўзбекистонда пахтачилик тарихининг тараққиётини билиб олиш мумкин. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасига бағишланган маркадз бир қанор пахтани кўтариб турган ўзбек пахтакори тасвир этилган. Бошқа бир маркада эса пахта териш машинасини кўриш мумкин. Маркада 108-Ф сортли ажойиб пахтанинг бир чаноғи кўзга ташланади. Ўзбек пахтакорлари мана шу навли пахтадан жаҳонда энг кўп ҳосил олмоқдалар.

Коллекцияда ўзбек халқининг ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги буюк фарзандлари тасвирланган маркалар жуда кўп. 1942 йил январда Алишер Навоийнинг 500 йиллигига бағишлаб икки хил марка чиқарилган эди. Уларнинг муаллифи В. Кайдалов. 25 йилдан кейин — ўтган йил сентябрь ойида биз маркаларда яна Навоий тасвирини кўрдик. Совет Иттифоқининг турли йилларида буюк ўзбек давлат арбоблари Ҳамза Ҳакимзода (1961 йил), Йўлдош Охунбобоев (1965 йил) Акмал Икромов (1968 йил) портретлари тасвирланган маркалар чиқарилди.



Маълумки, Ўзбекистонда кўплаб архитектура ёдгорликлари сақланиб қолган. 1963 йил чиқарилган маркаларда Гўр Амир, Шоҳи Зинда, Регистон тасвири акс эттирилган. 1966 йил маркаларида эса Бухоро ёдгорликлари кўзга ташланади.

Болгариянинг буюк сиёсий арбоби Георгий Димитров айтганидек, марка — мамлакатнинг визит карточкасидир. Кўпгина совет маркалари республиканинг визит карточкаси бўлиб қолганлиги бежиз эмас. 1937, 1947, 1957, 1967 йилда чиқарилган маркаларда Ўзбекистоннинг Герби ва Байроғи акс эттирилган.

Республикамиз бой ва бепоёндир. Марқаларда уларнинг тасвири яхшигина акс этган. Бу коллекция янада кўпаяди ва тўлиб боради.

В. ТОЛИПОВ,
автор фоторепродукцияси.

ЛЕНИН ТЎҒРИСИДА ЛЕКЦИЯ

САН-ХОСЕ, (ТАСС). Коста-Рика халқ авангарди партияси Марказий комитетининг аъзоси Умберто Варгас Карбонель Коста-Рика ишчиларига, студентлари ва зиёлиларига Ленининг ҳаёти ва революцион кураши тўғрисида лекция ўқиди. Лекцияни тингламоқ учун бир неча юз киши келди.

Лекцияда Ленин таълимотининг интернационал характерига асосий эътибор берилди.

Умберто Варгас Коста-Рика меҳнаткашлари ҳаётидан конкрет мисоллар келтириб, Латин Америкасидаги ана шу мамлакатнинг ишчилар ҳаракати шароитларида Ленин таълимотининг нақадар таъсирчанлигини кўрсатиб берди. Лектор ленинизм ғояларини ўрганиш ва оммалаштиришни кенгай-тириш зарурлигини таъкидлади.

Халқ авангарди партиясининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлари программасига мувофиқ уюштирилган бу лекция тингловчиларни ғоят қизиқтирди.



СУРАТДА: Женева яқинидаги Бельрив даҳаси. Бу ерда 1900 йилнинг ёзида В. И. Ленин Г. В. Плеханов ва «Меҳнатни озод қилиш» группасининг бошқа аъзолари билан учрашган эди.

Л. Портер фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БОНН, (ТАСС). Германия Федератив Республикаси меҳнаткашларининг энг катта ташкилоти бўлган касаба союзлари бирлашмаси Ғарбий Германиянинг янги ҳукуматига мурожаат қилиб, федератив республикадаги ҳамма антидемократик кучларга қарши таъсирчан чоралар кўришга даъват этди. Шу муносабат билан касаба союзлари янги нацистларнинг национал-демократик партиясини таъқиқлаш зарурлигини айтмоқдалар. Ғарбий Германия тармоқ касаба союзларидан бири қанчасининг раҳбарлари ҳам кейинги кунларда ана шундай талабларни ўртага қўйдилар.

Бундай талабларнинг ўз вақтида қўйилаётган талаблар эканлигини шу нарса исботлайдики, янги нацистлар ўз фаолиятлари миқёсини асло чекламоқчи эмаслар. Яқин вақт ичида Саарбрюккенда национал—Демократик партиянинг навбатдаги съезди бўлади.

Матбуот хабарларига қараганда, Бундестагда янги нацистлар фракциясини вужудга келтириш планлари барбод бўлган янги нацистик партия раҳбарлари энди Ғарбий Германиянинг «истисносиз ҳамма» ландтагларига (ўлкаларнинг парламентларига) ўз вакилларини киритишни мақсад қилиб қўйганлар. Ҳозирги вақтда уларнинг вакиллари 10 та ландтагдан ўттитасидаги мажлисларда қатнашмоқда.

Ҳеч қандай пардага ниқобланмай ўзларини нацистик гитлерчи партиянинг «ворислари» деб эълон қилаётган ошкора янги фашистик гуруҳлар ҳам активлашмоқда. Вольф—Дитер Экарт деган кимсанинг бундан бир неча ой муқаддам янги бир янги нацистик партия тузишга қилган уриниши барбод бўлган эди. Ўша кимсанинг ўзи «тарихий жойларда национал-социалистларнинг йиғилишларини ўтказиш тўғрисидаги ғоғарлик таклифини ўртага қўйди. Бу сафар унинг тарафдорлари ноябрь ойида Мюнхендаги пивохоналардан бирида йиғин ўтказишлари лозим. Шу пивохонада 1923 йил ноябрида Гитлер нутқ сўзлаган эди.

Ленин образи тасвирий санъатда



РАССОМЛАР ЛЕНИННОМАСИ

Улуғ Октябрь тонгидаёқ Ленин заковати билан социалистик революцияни тараннум этувчи санъат илк қадамларини қўя бошлади. Ленин санъатнинг социалистик революция вазифаларини бажаришдаги улкан таъсирини юксак баҳолади. Шу тариқа 50 йил илгари Ўзбекистонда ҳам янги социалистик санъат бунёд бўлди.

— Монументаль пропаганда — чинакам инсон ҳақида, унинг онги, юксак туйғулари ҳақидаги шундай қудратли симфониями, унинг оҳанглари ҳар бир халқ қалбига етиб бора олади.

СССР рассомлар академиясининг президенти, ҳайкалтарош Николай Томскойнинг бу гапларни чин ҳақиқат эканлигини Октябрнинг дастлабки ўн йилигида Бухоро ва Хивада, Қўқон ва Тошкентда бунёд бўлган санъат асарлари яна бир бор исботлайди. Уша пайтда бунёд этилган ҳайкалларнинг кўпчилиги сақланиб қолган эмас. Лекин қолганлари санъатнинг табаррук ёдгорлиги бўлиб қолди дейиш мумкин. Ўзбекистоннинг ҳамма чеккаларида бронзадан қуйилган В. И. Ленин ҳайкалларини кўришингиз мумкин. Уларнинг барчаси меҳнаткашларнинг митинглари билан очилган, умумхалқ байрамига айланиб кетган. Ленин монументларини шаҳар ва қишлоқлардагина эмас, тоғларнинг юксак чўққиларида ҳам кўришингиз мумкин. Булар орасида, 1936 йили Тошкентда бунёд этилган ҳайкал айниқса ажралиб туради. Доҳийнинг олти метрлик фигурасини ҳайкалтарош Борис Королев бронзадан бунёд этган.

«Ленин нотиқ» деб номланган бундай ҳайкаллар совет ҳайкалтарошлари томонидан яратилган. Борис Королев ҳам бу анъанавий мавзуни ўзича ҳал қилган. Тошкентдаги Ленин ҳайкали ўз композицияси, жўшқинлиги билан ажралиб туради.

Ленин фигурасида рассом доҳий образининг ўзига хос хусусиятларини эътибордан қочирмаган ҳолда образни умумлаштирган ҳам. Ҳайкал пьедесталининг мураккаб композицияси ҳам-ўзига хос элементлардан ташкил топган. Трибунанинг олд томонидаги деворларига «Ленининг Петроградга келиши» ёнига эса «СССР Мудофаа қудратининг ўсиши», «Биринчи май» деб номланган барельефлар ўйиб ишланган. Рассом Борис Королев ўз асари ҳақида шундай деган эди: «Мен бу улкан ҳайкалда нотиқ, доҳий ва ташкилотчи ҳамда айни пайтда оддий инсон Ленин образини яратмоқчи эдим. Ленининг митингларда сўзлаган пайтидаги ҳолати менинг хаёлимга маҳкам ўрнашиб қолган. Мен ана шу ҳолатни ҳайкалга кўчиришга ҳаракат қилдим...»

Ҳайкал очилиши пайтида иштирок этган кекса большевик Бонч-Бруевич шундай деган эди: «Доҳийнинг тасвири ўзига ниҳоятда ўхшаш, ҳайкалнинг елкаси, қўллари — ҳаммаси тирик Ильични эслатади». Бу баҳо ҳайкалтарошнинг муваффақиятидан дарак беради.

Шундай қилиб, 1936 йили Б. Королев томонидан яратилган ҳайкал (ҳозир у Урганч шаҳрида) совет ҳайкалтарошлик санъатида муҳим ўрин тутади. 1956 йили эса Королев яратган ҳайкал ўрнига Матвей Манизер лойиҳаси билан яратилган янги ҳайкал ўрнатилди.

Гарчанд янги ҳайкал ҳам «Ленин — нотиқ» мавзусида яратилган бўлсада, М. Г. Манизер ўз композицион ва тасвир услубида ишлаган. Ҳайкалтарош Ильичнинг қўлини олдинга узатиб турганини тасвир этади. Доҳий пальтосини елкасига ташлаб олган. Янги ҳайкалда Ленининг чеҳраси, ирода си, қалб тўлқинлари ниҳоятда аниқ кўзга ташланди.

Биз байрам кунлари Тошкентдаги Ленин майдонидан ўтар эканмиз, доҳийнинг улкан ҳайкалига тикилиб қоламиз ва уни яратган санъаткорларга таҳсин ўқиймиз.

Табаррук мавзу

Совет тасвирий санъати, графика усталари, ҳайкалтарошлар, амалий санъат соҳиблари ярим аср мобайнида доҳий Ленинни тасвирловчи кўплаб асарлар яратдилар. Республикамиздаги турли авлодга мансуб тасвирий санъат усталари ҳам бу табаррук мавзуга мунтазам қўл уриб келдилар.

Мирзачўлдаги олис қишлоқдан келиб, дастлаб қўлига мўйқалам олган Лутфулла Абдуллаев ҳали ўсмирлик чоғидаёқ Ильич портретини ишлаган эди. Уша пайтда йигитча ўзи туғилиб ўсган чўлнинг бўстон бўлишига йўл очган доҳий заковатидан ҳайжонланиб кетган эди. Кейинчалик у йирик рассом бўлиб етишгач, Ленин мавзуси унинг ижодида муҳим ўрин тутадиган бўлди. Ҳозир ҳам Лутфулла Абдуллаев қайси жанрда ижод қилмасин, вақти-вақти билан Ленин образини тасвирлашга ўтади.

Рассомнинг «Туркистон делегацияси Ленин ҳузурида», «Шарқлик аёллар Ленин қабулида», «Доҳийга совға» график асарларида, «Мирзачўлни обод қилиш ҳақида декрет» деган плакатида ўзининг Ильичга бўлган муҳаббатини тасвир этди. Л. Абдуллаев Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида Ильичга бағишланган бир қанча асарлар устида ишламоқда. Бу-лар орасида Ленининг Туркистондан келган аёллар билан суҳбатлашиб турганини тасвирловчи полотно ҳам бор.

Республика халқ рассоми Виктор Уфимцевнинг Ленин ҳақидаги асарлари ҳам чуқур мазмунли, мазмунли ва ранг-баранг. Масалан, унинг «Буюк халққа», «Ленин ва дўстлик», «Ленин ва Крупская Сибирь сургунида» полотнолари диққатга сазовордир. Рассом ўзининг бу асарларида тарихий-революцион жанрга мурожаат қилади ва Ленин мавзусига ўзига хос ҳисса қўшади.

Рассом Георгий Ткаченконинг «Россия тақдирини ўйлаб» асарида ёш Ильичнинг сибирликлар билан суҳбатлашиб турганини тасвирланади. Василий Нечаев билан Неъмат Қўзибоев эса Ленин ва Совет Туркистони ҳақида композиция яратдилар.

Ўзбекистоннинг график рассомлари ҳам доҳий образини яратмоқдалар. Улар доҳийнинг турли даврларидаги ҳаёти ҳақида янгидан-янги асарлар яратмоқдалар.

Республика халқ рассоми В. Кайдалов Ленин мавзусига қўпдан буён мурожаат қилади. Унинг сўнгги акварелида Ленин Туркистондан келган делегация билан суҳбатлашиб турганини тасвирланган. Георгий Чиганов эса «Ленин бўлган жойларда» сериясида бир қатор асарлар яратди. Тошкентлик рассом Михаил Калининнинг плакатларида ҳам доҳий образи акс эттирилган.

Ҳайкалтарошлар доҳий юбилейига ўзига хос совғалар билан келмоқдалар. Нигирманчи йиллардаёқ ҳайкалтарош Георгий Алексеев тўнғич рассомлардан бири бўлиб, Ленинни натурадан чизган эди. «Доҳий чорлайди» деган ҳайкал асосида худди ана шу асар ётади. Бу ҳайкал 1925 йили Тошкентда қад кўтарди. Таниқли Совет ҳайкалтароши Борис Королёв традицион Ленин мавзусини ўзига хос эҳтирос билан тасвир этди.

1956 йили академик Матвей Манизер марказий Тошкент майдонига мўлжалланган Ленин ҳайкалини яратди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Филипп Грешченко яратган ҳайкалда чуқур мазмун бор. Владимир Ильичнинг олдига икки деҳқон боласи — ўғил ва қиз бола югуриб келади. Ленин боланинг қўлини қисиб кўришади. Бу композицияда Ленининг болаларга бўлган муҳаббати аниқ кўриниб туради. Ф. Грешченконинг «Ленин болалар ўртасида» деб номланган асари шу ҳақда ҳикоя қилади. Ҳайкалтарош Ленин образини тасвир қилишни давом эттириб, бошқа бир композиция — «Ленин билан Қосимхўжаев» деб номланган композиция учун қизиқарли сюжет топди.

Ф. Грешченко билан Р. Немеровскийнинг металлдан яратган Ленин барельефи республика халқ хўжалигини кўргазмасига қўйилди.

1923 йилдаёқ қўқонлик ўймакор Қодиржон Ҳайдаров саккиз қирралик гулдор стол яратган ва унинг устига «Раҳбаримиз, доҳиймиз ўртоқ Ленинга — Фарғона меҳнаткашларининг совғаси» деб ёзиб қўйган эди. Бу совға Горькадаги Ленин уй-музейида сақланади.

Ўзбекистон рассомларининг бу ва бошқа асарларида доҳий фаолиятининг турли йиллардаги даврлари акс эттирилган. Асарларининг барчаси санъаткорларимиз пролетар революциясининг доҳийси, буюк ва содда инсон Ленин сиймосини яратишга интилиб келганликлари ва интилаётганларидан дарак беради.

● Эсдалик совғалари

УСТАЛАР ҚЎЛИ БИЛАН

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби машҳур наққош Тоир Тўхтахўжаев санъатни мингларча одамларни мафтун этган. У амалий санъат усталарининг кўплаб кўргазмаларида қатнашган. Шу кунларда у В. И. Ленининг 100 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишга қаракат қилмоқда. Т. Тўхтахўжаев бир қанча юбилей вазаларининг намуналарини ишлаб чиқди. Ёғоч вазалар шарқ услубида ишланади. Вазаларнинг устки қисми орнамент билан безатилади. Ўртада эса Ильичнинг портрети ва унинг санъат ҳақидаги сўзлари кўзга ташланади.

Бу биргина халқ усталарининг совғаси. Бундай совғаларни халқ усталари кўплаб тайёрламоқдалар.



СУРАТДА: Т. Тўхта хўжаев.

Тасвирий санъат

ТУРКИСТОНЛИКЛАР ЛЕНИН БИЛАН УЧРАШАДИЛАР



Республикамиз рассомлари ижодида Ленинга бағишланган асарлар ҳамиша муҳим ўрин тутиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Яқинда тошкентлик рассомлар устаханаларида бўлиб, бу ҳақда суҳбатлашдик.

Тошкентлик рассом Лев Резников ўзининг чуқур мазмунли, моҳирона ишланган асарлари билан кўпчилик эътиборини қозониб келади. Рассомнинг «Шундай партия бор» асари кўпчиликка таниш. Рассом Ильичнинг Туркистондан келган аёллар делегацияси билан учрашуви ҳақидаги асари устида Москвада ишлаган. График рассом Георгий Чиганов эса яқинда «Ленин бўлган жойларда» сериясидаги асарларини битказди. Улар орасида «Шушенское» муҳим ўрин тутади.

ЛЕНИН ВА КОММУНАР РАССОМЛАР



Ленин олий рассомчилик техника устахонаси ўқувчилари билан учрашганига 50 йилдан ошди. Шундан кейин бу ерда кўплаб совет рассомлари етишди. Ленин билан учрашган рассомлар кимлар эди, ҳозир улар қаерда! Бундай рассомлардан бири Тошкентда яшовчи Сергей Сергеевич Колибанов экан. У ўз хотираларини шундай ҳикоя қилади.

Тошкентлик рассом С. С. КОЛИБАНОВ ҳикоя қилади.

— Бу учрашувда менга энг қаттиқ таъсир қилган нарса суҳбатнинг самимийлиги бўлди. Ота-болалар қандай гаплашса, биз ҳам Ильич билан шундай эркин, очиқ-ойдин, эҳтирос билан суҳбатлашдик. Эсимда, коммунарлар бир-бирларига гал бермай, пролетар санъати ҳақидаги ўз фикрларини Владимир Ильичга айтишар эди. Ҳаммамизнинг фикримиз бир хил эди. Биз эски санъатга, эски реализмга қаршимиз!

Шунда Ленин ўтмишнинг барча ёдгорлигини қораламаслик кераклигини, зарур қисмини олиб қолиш лозимлигини айтди.

Биз Ильичнинг гапларини минбарда турганида эмас, шундоқгина қаршимизда ўтирганида эшитдик. Буларнинг барчаси хотирамда ўчмас из қолдирди.

Яна қизиқ бир воқеа бўлди. Етоқхонамиз деворида Москва-Сортировочная станциясидаги депо безагининг эскизи осиғлиқ турар эди. Биз билан ўқийдиган Сергей Сеньокин ўша ерда ишлар эди.

Ленин паровоз эҳтиёт қисмини олиб қолиш лозимлигини айтди.

Ленин паровоз эҳтиёт қисмини олиб қолиш лозимлигини айтди.

Биз Ильичнинг гапларини минбарда турганида эмас, шундоқгина қаршимизда ўтирганида эшитдик. Буларнинг барчаси хотирамда ўчмас из қолдирди.

Яна қизиқ бир воқеа бўлди. Етоқхонамиз деворида Москва-Сортировочная станциясидаги депо безагининг эскизи осиғлиқ турар эди. Биз билан ўқийдиган Сергей Сеньокин ўша ерда ишлар э



фаридун Бадрий

Унга ўлди?

ҲИКОЯ

Рена ҳеч нарса демай, қаттиқроқ йиғлай бошлади. Маҳмуд қизнинг юзини кафтлари билан босиб ўзига қаратди. У Ренанинг ёш тўла катта кора кўзларига тикилди. Маҳмуд ҳаяжонлана бошлади. Унинг ҳам кўзларида ёш йилтилларди. У бетоқатланиб сўради:

— Рена, айт, нима бўлди? Нега йиғлаяпсан? Бирон киши ҳафа қилдими?

Рена кўз ёшларини артиб, бўғиқ овозда ғўлдираб жавоб қайтарди:

— Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ, азизим Маҳмуд. Нега йиғлаётганимни ўзим ҳам билмайман. Сендан ажралиб қолишдан қўрқяпман. Уйга боришга қўрқаяпман?

— Нега қўрқаяпсан? Нега ўйга боришга қўрқаяпсан? Олиб бориб қўяйми? Юр.

— Йўқ, буни айтаётганим йўқ. Кўчадан қўрқмайман. Кўчада ҳеч кимдан қўрқмайман.

— Ундоқ бўлса нимадан қўрқасан? Уйда қолишга қўрқяпсанми? Бирон нарса бўлдими? Ёки биронтаси сени хафа қилдими?

Рена бир пас тинчланди. Бироқ кейин яна йиғлай бошлади.

— Ҳа, Ашейх ҳафа қилди. У менга жар хил бўлмагур гапларни айтди. У мени бир нарса қилмоқчи шекилли. Мен ундан қўрқаман. У хаётимни заҳарлади. Бир неча марта уйдан кетмоқчи ҳам бўлдим. Бирон ерга қочиб кетмоқчи эдим. Аммо сен келиб, бирон чора кўрарсан деб кутдим.

Маҳмуд Ренани унсиз қамраб олаётган хавфдан сақламоқчи бўлгандай, маҳкам бағрига босди. У тишларини ғижирлатиб, бошини кўтарди, кўзларини кўкка, жимирлаб турган юлдузларга қадади. У жим қолиб, нимандир ўйларди. Қандай чора кўрсин, нима қилиш керак? Тунда нима ҳам қила оларди? Бордию, Ренани уйига олиб борса, отаонаси нима дейди? Улар кекса диндор одамлар. Ренани тўсатдан ярим кечада уйларига киритармидилар? Маҳмуд бошқа жойни билмас эди. Бошқа биронта тақиллатадиган эшиги йўқ. Рена Маҳмуд кўчасида котиб қолгандай секин ўқиларди. Маҳмуд унинг сочларидан пешанасидан ўпди ва юпатиш ҳамда тинчлантириш оҳангида гапира бошлади:

— Ренажон! Бугун ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Эртага сабр қилайлик. Эртага эрталаб бир чорасини топамиз. Сенга кўз олайтирадиган бўлса, ҳолига вой деярсин. Уйига ўт қўяман, бутун маҳалла одамлари ўртасида шармандасини чиқараман. Ҳозир ярим кеча, хотини уйда, унинг олдида барибир ҳеч нарса қилолмайди...

— Хоним уйда йўқ, — унинг сўзини бўлди Рена.— у меҳмондорчиликка кетган, худо билади қаёққа. Уйда Ашейхнинг ўзи қолган, шунинг учун қўрқяпман.

— Уйда ҳеч ким йўқ дейсанми? Хоним меҳмонга кетган?

У лабини тишлади, индамай, яна ўйлай бошлади. Бироқ бирон қарорга келолмади. У Ренани қўлидан ушлаб, Ашейхнинг уйигача олиб бориб, ночор оҳангда гапира бошлади:

— Ренажон, бугун ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Эртага онамни Ашейхнинг хотинига совчиликка юбораман, имонинг комил бўлсин. Онам унга ҳамма гапни яхшилаб тушунтириб қўяди. Бор, жонгинам, худо кўрсатмасин, кечикиб қолма. Мен ҳу анаву дўконга бориб, ёпилмасдан олдин чой оламан. Бор, жонгинам, энди сира хавотирланма, албатта бирга бўламиз.

Улар шошилиб, қучоқлашиб, ўпишишди. Шундан сўнг Рена ҳовлига кириб, дарвозани ёпди. Маҳмуд баққоллик дўконига қараб кетди.

* * *

Ашейх Фазлуллох ямон шарбатидан бир ҳўплаб, бошқа қадаҳга ҳам қуйиб, устига ўйламай-нетмай Мулла Илёс берган яшил кукунининг ярмини солиб юборди. Шундан сўнг у Ренани чақирди. Қиз хавотирланиб, эшик олдига яқинлашди ва паст овозда:

— Қулоғим сизда, — деди.

— Бу ёққа кел. Мана бу санга, ич. — Ашейхнинг дўриллаган овози қалтирарди.

Рена шарбат солинган қадаҳни олиб, уйдан чиқди ва уни дераза олдига қўйди. Дераза ҳовлига қараган эди. У шарбатни ичмоқчи эмас эди. Аммо ичи ёниб, қаттиқ чанқаётган эди.

У қадаҳни кўтариб, ҳаммасини ичиб юборди. Юрак тафти босилиб, иссиғи тушгандай бўлди. У қўли билан пешанасини босиб кўрди, боягидай ёнарди...

Вақт ярим кечадан ошган эди. Кўкдаги катта булут парчаси ой юзини тўсди. Ҳовуз сувига керосин лампанинг хира ёғдуси тушиб турарди. Жимирлаётган сув бир оҳангда шилдираб ариқчага тушарди. Ренанинг баданлари синиб кетаётгандай бўшашди. Дераздан бошини чиқариб, Ашейхнинг уйига қаради. Уй қоронғу. Рена уни ётди деб фараз қилиб, бироз тинчланди. Бир амаллаб пайпогини ечди. Аъзойи бадани бўшашиб, юролмай қолди. Кўзлари ўз-ўзидан юмулиб кетяпти. Оғзи бемаза, тахир. Бор кучини тўплаб, устки кўйлагини ечди. Аммо у қанча уринмасин, ўрнидан туриб, чироқни ўчиришга ҳоли келмади. Унинг кўзи олдида қизил ва яшил луфачалар жимирлай бошлади. Рена каравоти ёнига аранг етиб олиб, ўзидан кетиб йиқилди. Дераза олдидаги керосин лампа биров пуфлагандай бир-икки милтиллади-ю, ўчди. Ренанинг кўзлари юмилди...

* * *

Кимдир уни ечинтириб, белларини, қорнини уқалаётгандай бўлди. У кўзини очиб, ўрнидан турмоқчи эди, бўлмади. Мижжалари бир-бирига ёпишиб қолгандай, қимирлашга ҳам ҳоли йўқ эди. Бироқ эс-ҳуши жойида. Кимдир уни силаётганини, кўкракларини ушлаб, бағрига босаётганини сезиб турибди. Мана, лабларига иссиқ бир нарса ёпишди, юзига дағал тиканлар қадалди. Кимнингдир кўнгил айнатувчи иссиқ нафаси юзига уриліб турибди. У бошини бурмоқчи эди, бироқ кучи етмади, баданлари оташ ичида ёнарди. Белида қаттиқ оғриқ сезди. йиғлар, оёқлари билан тепиб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Аммо биров уни ерга михлаб ташлагандай эди.

Оғриқ кучая бошлади, нафаси сиқилди. Лабини тишламоқчи бўлди, бироқ оғзини очолмади. Рена бор кучини тўплаб, устидаги унга ёпишиб қолган иссиқ гавдани итқитиб ташламоқчи, бу кўнгил айнатувчи иссиқ нафасдан юзини ўгириб, ўрнидан туриб дод солмоқчи, одамларни ёрдамга чақирмоқчи эди. Аммо сира қимирлай олмади. Уни сехрлаб, тошга айлантириб қўйишгандай эди. Ренанинг секин инграган овози уни маҳкам кучоқлаб олган кишининг шаҳвоний ҳансирашига қўшилиб йўқ бўлиб кетди...

У энди ҳеч нарсани сезмас, ўзи ҳам йўқ эди...

VII

Рена ҳовлига кириб кетгач, Маҳмуд кўча бошидаги дўконга борди. Дўкондор ўрин солаётган экан. Оёқ товушини эшитиб, қараб Маҳмудни таниди. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради:

— Моши Асқар, бир миқдор чойингдан бер, — деди Маҳмуд.

Дўкондор тарози палласига тош ўрнига иккита чақа пул ташлади. Чой солинган картон қутини шкафдан олиб, чойдан озроғини тарозига қўйди. Ўлчаб, бир сиқимини қайтиб олди. Чойни қоғозга солиб, қадоқ қилиб ўраб берди. Маҳмуд дўкондорга икки реал узатиб, ўроғлик чойни чўнтагига солди. Хайрлашиб ҳаёл сурганча кетди.

У қайғули ўйлар қуршовида секин одимлаб борарди. Ренани ўйларди, кулогида унинг сўзлари жаранглади: «Ашейхдан қўрқаман, у мени бир нима қилмоқчи». Қани ади бугун кечқурун Ашейхнинг уйига бориб, Ренани қўриқлай олса, унга зўравонлик қилмоқчи бўлганнинг жазосини берса. Бироқ қандай қилиб? Ашейхнинг дарвозаси албатта берк бўлади. Ўғрига ўхшаб қандай қилиб деворлан ошсин. Йўқ, бундай қилиб бўлмайди. Ашейх уни кўриб қолиб, дод солиб, одам тўпласачи? Унда нима бўлади? Қандай шармандалик бу! Фараз қилайлик, у Ашейхнинг уйига амаллаб кириб олди, уни ҳеч ким кўрмади ҳам. Барибир Ашейх Ренани бир нарса қилмоқчи бўлиб унга яқинлашса, Маҳмуд яширинган жойидан чиқиб, унга ташланади-ку! Ашейх албатта бақиради, одам йиғади. Одамлар: «Ахмоқ экансан-ку, ярим кечада Ашейхнинг уйида нима қилиб юрибсан? — дейишмайдими? Ашейх ҳам: Бу юзсиз тунда Ренанинг олдига келди,— демайдими?...»

Маҳмуд пастки лабини тишлади. Уни тишлари билан маҳкам қисиб, оғриқдан чинқириб юборди. У Ашейхникига кириб, Ренани ҳимоя қилолмаслигидан ўкинар эди.

Маҳмуд қоқилди, йиқилиб кетишига оз қолди. Ўшандагина у бошқа томонга кетаётганини сезди. Пастга юриш ўрнига, юқорига, чўл томонга, тош қони тепалигига чиқиб кетаётган эди. Маҳмуд орқасига қайтди.

(Давоми бор)

(Давоми. Боши газетанинг 244,245,246 248, 249, 250, 251-сонларида).

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

ДЕНГИЗДАГИ ДАРЁЛАР

Гольфстрим оқимга дунёдаги ҳар бир ўқувчига маълум. Аммо, ҳалигача олимлардан биронтаси унинг барча сирларини очиб берологани йўқ. Гольфстрим инглизча сўз бўлиб, таржимаси, қўлтиқдан оқиб чиқадиган дарё демакдир. Бу оқимнинг 1513 йилда капитан Понс де Леон кашф қилган. Бироқ Гольфстрим фақат XVIII асрнинг охиридагина картага туширилган.

Бунга ниҳоятда қизиқ бир воқеа сабаб бўлган. Босбон божхонасининг палатаси 1770 йилда Британия империясининг лорд-канцлерига Англиядан янги Англияга (Шимолий Америкадаги Британия колонияларини шундай ном билан аталган) сузиб бориш учун одатдаги савдо кемаларига қараганда донмо икки ҳафта кўп вақт сарф қилиши ҳақида ариза йўллайди. Шуниси қизиқки, савдогарлар айланма, почтачилар эса тўғри йўл билан юришган. Бунга қарамасдан почта нега кечиккан?

Машҳур табиат тажрибачиси Бенжамину Франклин ўша пайтда почта бошлиги вазифасида эди. Қирол почтасининг кечикиши сабабини аниқлаш унга топширилади. Почтанинг кеч келишига айбдор гольфстрим экан. Оқим кемаларни йўлдан четга суриб кетар ва почта кечикар экан.

Гольфстримнинг нимаси қизиқарли ва унинг тўлқинларида қанақа сир бор?

— Дастлаб шуни таъкидлаш керакки,— дейди СССР Фанлар академияси океанчилик институтининг ходими, физика-математика фанлари кандидати К. А. Чекогилло,— гольфстрим оқими жуда тез оқади.

Гольфстрим тропик бассейнлардан иссиқ сув оқимини олиб келади ва бу билан бутун Европанинг, то Уралгача бўлган территория иқлимига таъсир қилади. Қисқаси, об-ҳаво, балиқ галалари жойларининг ўзгариб туриши, навигацион вазифалар — буларнинг барчаси олимларни гольфстрим оқимини ва режимини диққат билан ўрганишга мажбур қилади. Агар оқимнинг юзаси қанча тадқиқ қилинган бўлса, чуқур тагида бўладиган жараёнлар ва уларнинг динамикаси оз ўрганилган.

Шу боисдан ҳам «Бен Франклин» илмий-текшириш кемасида сув остида сузиш, шубҳасиз, катта қизиқиш туғдиради. Кема экипажининг олти аъзоси швецариялик машҳур денгизшунос Жак Пикар бошчилигида 30 кун сув остида сузиш мобайнида гольфстрим тубини ўрганиш билан машғул бўлди.

Тадқиқотчилари и н г сув остида сузиш вақтида балиқ галалари деярли учрамаганлиги ҳақидаги ахборати қизиқарлидир. Буни шу билан изоҳлаш мумкин: гольфстрим шимолга ва шимоли-шарққа ўз сувларини катта тезликда оқизади, бундай шимолий оқимларда эса сув характери биологик-биогеник моддаларнинг океан юзасига чиқариб ташланишига тўсқинлик қилади. Ҳатто бунинг акси — бу жойда оқим гўё тубига ёпишгандек. Биогеник моддалар йўқлиги учун балиқчалар ва бошқа денгиз жониворлари учун озиқ йўқ.

Яқиндагина СССР Фанлар академияси океанология институтининг илмий-тадқиқот олиб борувчи кемаси «Академик Курчатов» сузишни тугатди. Бизнинг тадқиқотчиларимиз олиб борган ишлар натижасида шимолий кенгликнинг 25 градуси районида пайдо бўладиган ва қудратли оқимга қарши оқим пайдо қилиб, жанубий-шарққа ҳаракат қиладиган, машҳур Ломоносов экватор оқимини бошлаб берадиган чуқур оқим аниқланди. Гольфстрим режимидаги бу сирнинг очилиши совет тадқиқот кемаларининг юксак техникавий жиҳозланганлигининг натижасидир. Бу фақат илмий эмас, балки навигация хизмати учун ҳам, балиқчилик учун ҳам қизиқиш туғдиради. Чунки, бундай оқим доимо океаннинг серҳосил районини кўрсатади. Демак, балиқларнинг яғни яйловлари ва саноатнинг янги жойлари аниқланган.

Ҳозир бизнинг институтимиз сузишга янги экспедицияни тайёрламоқда. Бу экспедиция келгуси йилнинг бошида Атлантикага чиқади. Унинг илмий ва техник қуроллантирилиши қуруқликдаги катта тадқиқот марказидан кам эмас деб айтиш мумкин.

В. ИЗВЕКОВ.
«Труд» газетасидан.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР Т.О.

САНЪАТ САРОЙИДА

27 октябрдан

Кенг форматли янги фильм

«ҲАЛОКАТ»

(2 серияли)

НАМОЯИШ ҚИЛИНАДИ.

«Мосфильм» киностудияси маҳсулоти.

Сценария муаллифлари — В. АРДАМАТСКИЙ, З. СМИРНОВ, В. ЧЕБОТАРЕВ.

Постановкачи режиссёр—Владимир ЧЕБОТАРЕВ.

Бош оператор—Юрий ГЕНТМАН.

Бош рассом—Евгений СЕРГАНОВ.

Композитор—Алексей МУРАВЛЕВ.

Овоз операторн—О. УПЕНИС. Ролларда: Федор—Юрий ЯКОВЛЕВ, Савинков — Владимир САМОЙЛОВ, Павловский — Евгений МАТВЕЕВ, Дзержинский — Анатолий ФАЛЬКОВИЧ, Шешеня — Юрий САРАНЦЕВ, Менжинский — Ефим КОПЕЛЯН, Фомичев — Михаил ГЛУЗСКИЙ, Луначарский—Лев ЗОЛОТУХИН, Красин — Всеволод САФОНОВ, Люба — Алевтина ЕВДОКИМОВА, Эванс — Артем КАРАПЕТЯН, Пиляр — Николай ГРАББЕ, Сироешкин — Леонид КУРАВЛЕВ, Саша — Татьяна БЕСТАЕВА.

Сеанслар кундуз соат 2.15, 5-30 ва кеч 8-45 минутда бошланади.

Коллектив бўлиб кўришга заявкалар қабул қилинмокда.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

Справкалар учун 44-21-74 ва 44-20-34 телефонлари орқали мурожаат қилинсин.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29, 30, 31 октябрда

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти Қундуз Миркаримова; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Дилором ШЕРОВА; Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар ФАЕЗОВА; солистлар: Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Нина ТЯГНИБИДНАЯ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Манзура МУМИНОВА, Тўхтахон НАЗАРОВА, Карима УЗОҚОВА ва бошқалар қатнашади.

Программани Бутуниттифоқ театрлар фестивалининг лауреати Зайтуна ТОЖИБОЕВА ва Назрулла ЕҚУБОВ олиб борадилар.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб 11 дан сотилади.

РАДИО ТЕЛЕВИЗОР

27 октябрь ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 Кўрсатувлар программаси. Рус тилида: 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлик қўшиқлари». 19.05 Телевизион янгиликлар. 19.20 Совет Армияси жангчилари учун эшиттириш. 19.40 Ўзбек совет поэзияси саҳифалари. Эгам Раҳим. 20.00 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.05 Телевизион янгиликлар. 20.20 Ёшувчилар пахта корлар ҳусурида. 20.45 Халқ контроли экрани. 21.15 «Резидентнинг хатоси». Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрстувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Ўқувчилар учун. «Пионерия» телевизион агентлиги. 20.35 Беш йиллик йўлларидан. 21.00 Комсомол ташкил топган кун муносабати билан. «БИЗ—ЕШ ГВАРДИЯ». Кўп сериали телевизион филъм биринчи сериясининг премьераси. 22.00 «Ва.қт»информацион программаси. 22.30 Опера билан таништув. Дж. Пуччини. «Маликаи Турондот». Ленинград Давлат опера ва балет Малий театрининг спектакли. Танаффус вақтларида янгиликлар ва «Зангори экран» ҳафталиги. 01.20 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Экран—болаларга. 18.45 Янгиликлар. 19.00 «Машъал» тележурнали. 20.00 «Голибкор авлодлар». Бадиий фильм.

Тожик тилида: 21.45 Ишчи номи магруф янграйди. 22.20 Янгиликлар. 22.35 Қардошлик оиласида. 22.50 Қувноқ соатда.

28 октябрь СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.55 Кўрсатувлар программаси 13.00 Янгиликлар. 13.15 Волгоград трактор заводи ҳақида кўрсатув. 13.45 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Музикали уйча». 14.15 «Пионерия» телевизион агентлиги. 14.45 Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси. Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. 18.50 Биохимиклар симпозиуми қатнашчилари билан учрашув.

Ўзбек тилида: 19.35 «Сиҳат саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 20.05 Телевизион янгиликлар. 20.20 Музикани қандай тингламоқ керак. Сюита ҳақида иккинчи эшиттириш. 21.00 Пахта терими кундалиги.

Рус тилида: 20.50 В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган телевизион фестиваль Ленинград телевидение студияси—меҳмонимиз.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 19.20 Музикали программа.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатувлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.15 Халқ тасвирий санъат усталари. 21.00 «БИЗ—ЕШ ГВАРДИЯ». Кўп сериали телевизион фильм иккинчи сериясининг премьераси. 22.00 Миллионлар ленинча университети. «Ҳозирги замон революцион жараёни ва назария проблемалари». Биринчи эшиттириш. 22.45 Рангли телевидение программаси. 23.30 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Камер куйларидан концерт.

Рус тилида: 20.40 «Тинч Дон». Бадиий фильмнинг биринчи сериями. 22.25 «Сопот.66». Фильм-концерт.

27 октябрь ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ленинюма» программаси. (русча). 18.40 Концерт. 19.20 Дуторда ижро этиладиган пьесалар. 20.00 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. 21.00 «Ленинюма» программаси (ўзбекча). 21.30 Ленин, партия ва Ватан ҳақидаги қўшиқлар. 22.20 С. Жўра. «Кордано Бруно» поэмаси асосида радиоинсценировка (ўзбекча). 23.15 Ўзбекистон санъат усталари ижросида концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Бизнинг қишлоқ кишилари» деган ҳикоя (ўзбекча). 19.30 «Ильич бу қўшиқларни севарди» (русча). 20.00 Р. Жалол. «Қалб даъвати» повестидан парчалар (тожикча). 20.20 Мақомлардан парчалар. 21.00 «Бепоён далалар» деган композиция (ўзбекча). 21.40 МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 К. Симонов. «Тўртинчи» халқ радиотеатрининг спектакли (русча).

28 октябрь СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 8.25 Пахтакорлар ҳақида куйлаймиз. 9.30 Г. Мушель. Ўзбек халқ темалари фортепьяно, скрипка ва виолончел учун ёзилган беш пьеса. 10.10 Р. Бойко «Василий Тёркин» ораторияснидан парчалар. 10.30 Музикали драмалардан парчалар. 11.30 Жонажон ўлкамизни куйлаймиз. 13.30 Г. Великанова ва В. Мулерман концерти. 15.15 «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча). 15.30 Янги ёзиб олинган асарлар. Р. Тагор. «Интиқом» радиоинсценировкаси (ўзбекча). 16.10 «Абай номидаги Қозоғистон опера ва балет театрининг солисти Каукен Кенжатаев куйлайди» деган концерт-очерк. 16.50 «Правда» газетасининг обзори (ўзбекча).

18.00 «Пахта терими — умумхалқ иши» (русча). 18.10 К. Жабборов асарларидан концерт. 19.20 Ўзбекистон композиторларининг романслари. 20.00 «Ёшлик» радиостанцияси-нинг программаси. 21.00 Халқаро мавзуларда эшиттириш (ўзбекча). 21.10 Пахта терими илғорлари учун концерт. 22.20 Далада ишлаётганлар учун эшиттириш ва концерт (русча). 22.40 Севимли ёзувчилар радиокутубхонаси. «Нозим Ҳикмат» шеърлари (ўзбекча). 23.15 Лирика кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 П. Чайковский ва С. Рахманинов асарларидан концерт. 9.15 Реклама ва эълонлар. 19.00 Ҳ. Шарипов. «Бог кўча болалари». Радиокомпозиция (ўзбекча). 19.30 Совет Армияси жангчилари учун концерт. (русча). 20.00 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20.30 Қорақалпоқ куйлари. 21.00 З. Шошкин. «Оқ бўта» ҳикояси асосида инсценировка (ўзбекча). 21.40 МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

14.00 П. Қодиров. «Қадрим» радиопостановкаси (ўзбекча). 15.30 Бутуниттифоқ радио ва телевидение хорининг концерти. 19.00 В. Маяковский. «В. И. Ленин» поэмаси асосида радиокомпозиция (русча).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/Х да Бой ила хизматчи, 29/Х да Улимдан кучли.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/Х да Қайнона, 29/Х да Тошболта ошиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Ургатилган йўлбарс ва сиртлонлар аттракциони.

Кино

27 ВА 28 ОКТЯБРДА

Ҳалокат (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2-15, 5-30 ва кеч 8-45 минутда). «ЧАЙКА» (кундуз соат 3, кеч 6 ва 9 да).

Угрюм-река (1 ва 2-серия)—«СПУТНИК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун). «ВОСТОК» (кундуз соат 1, 4, кеч 7 ва 9-45 минутда, кичик залда). «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз 12, 4 да), «ЧАЙКА» (кундуз 12 да).

Тундаги портлаш —«ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12 да).

Комедиантлар (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 9-45 минутда).

Журналист — «СПУТНИК» (кеч соат 9 да).

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ оқшоми 4 БЕТ 27 ОКТЯБРЬ, 1969 й

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт—санъат ва маданият бўлимлари —33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими —33-65-57 эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64379. НАШР 2887. Р. 01770